



## IMPROVEMENT OF THE LEGAL FRAMEWORK FOR RISK MANAGEMENT IN COMMERCIAL BANKS IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

**Bo'tabayev Mehriddin Shaxobidinovich**

Senior Researcher at the Research Center of the State Assets Agency  
RUz, PhD, e-mail: mehr65@mail.ru, tel: +998901863946.

**Eshmatov Masrur Qurbonovich**

Student of the Higher School of Business and Entrepreneurship,  
e-mail: meshmatov@sqb.uz, тел: +998947117717.  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.15241245>

### ARTICLE INFO

Received: 10<sup>th</sup> April 2025  
Accepted: 17<sup>th</sup> April 2025  
Online: 18<sup>th</sup> April 2025

#### KEYWORDS

Commercial banks, asset operations, risk types, asset operations risk management, bank risk norms.

### ABSTRACT

*As a result of targeted measures developed in recent years to manage the risks of banks in our republic, banks have become able to provide safe long-term lending and investment to business entities. At the same time, the risk management methodology of commercial banks in the republic is leading to the emergence of problem loans, and banks are not developing specific corporate risk management methodologies. This situation requires a review and methodological improvement of the methods of managing risks associated with asset operations of Uzbek commercial banks.*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ РИСКЛАРИНИ БОШҚАРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**Бўтабоев Меҳриддин Шаҳобидинович**

ЎЗР Давактивлари агентлиги Тадқиқот маркази етакчи илмий ходими,  
ф.-м.ф.н., e-mail: mehr65@mail.ru, тел: +998901863946.

**Эшматов Масрур Қурбонович**

Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби талабаси,  
e-mail: meshmatov@sqb.uz, тел: +998947117717.  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.15241245>

### ARTICLE INFO

Received: 10<sup>th</sup> April 2025  
Accepted: 17<sup>th</sup> April 2025  
Online: 18<sup>th</sup> April 2025

#### KEYWORDS

Тижорат банклари, актив операциялар, риск турлари, актив операциялар рискларини бошқариш, банк рисклари меъёрлари.

### ABSTRACT

*Сўнгги йилларда республикамизнинг йирик банклари Сўнгги йилларда республикамизнинг банклари рискларини бошқариш борасида ишлаб чиқилган мақсадли чора-тадбирлар натижасида банклар томонидан хўжалик юритувчи субъектларни ҳавфсиз тарзда узоқ муддатли кредитлаш ва инвестициялаш имконияти юзага келди. Шу билан бирга, республика тижорат банклари фаолияти рискларини бошқариш услубиёти муаммоли кредитларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда, банкларда ўзига хос корпоратив рискларни бошқариш методикалари ишлаб чиқилмаяпти. Ушбу ҳолат Ўзбекистон тижорат банклари актив операциялари билан боғлиқ рискларни*



*бошқариш усулларини қайта кўриб чиқиш ва методологик такомиллаштиришни талаб қилади.*

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик-ҳуқуқий базасида банк фаолиятини ташкил қилиш, олиб бориш ва назорат қилиш ҳамда банк рискларини бошқаришнинг турли жиҳатлари муфассал тавсифланган ва тартибга солинган. Хусусан, “Тижорат банкларининг ликвидлигини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги Низом” [1] тижорат банкларида ликвидлик рискларини баҳоланиши ва бошқарилишини таъминлашнинг асосий ҳуқуқий асосларини ташкил қилади.

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тижорат банклари ликвидлиги rischi ҳолатига нисбатан минимал талабларни белгилайди ҳамда ликвидлик рискни пасайтиришга доир нуқтаи назарини ифодалайди. Низомга биноан, унда кўрсатилган барча талабларни бажарган тақдирда ҳам тўловларни ўз вақтида ўтказмаслик ликвидликка бўлган талабни қўпол равишда бузганлик ҳисобланади, банк раҳбарияти ликвидликни режалаштириши ҳамда банкнинг қисқа муддатли мажбуриятларини уларни қайтариб олишда тўлашга етарли даражада нақд пул ва қисқа муддатли активларга эга бўлиши лозим, етарли ликвидликни таъминланиш зарурияти фойда олишга бўлган интилишни мувозанатда сақлаб туриши лозим ҳамда банк ҳеч қачон даромадлилик фойдасига ликвидлиликни суиистеъмол қилмаслиги лозим.

Ушбу Низомга биноан қуйидаги тушунчалар таърифланган:

**банкнинг ликвидлиги** (ликвидлик) — банк активлар ўсишини молиялаштириши ва кўзда тутилмаган (номақбул) йўқотишларсиз мажбуриятларининг ўз вақтида бажарилишини таъминлаш имконияти;

**доимий бўлмаган мажбуриятлар** — исталган вақтда банкдан чиқиб кетиши эҳтимоли юқори бўлган йирик депозитлар ёки йирик қарзлар;

**ноликвидли активлар** — бозор нархини котировка бўйича аниқлаш мумкин бўлмаган ёки бу турдаги активларнинг харид нархи сотувчи ва харидор ўртасидаги келишув натижасида алоҳида тарзда аниқланадиган, қиймати катта миқдордаги ўзгаришларга учраб туриши мумкин бўлган ва таққослашни қийинлаштирадиган активлар;

**ликвидли активлар** — қиймати бозорда шаклланадиган, бозор қиймати бўйича қисқа муддат ичида уларни сотиб олишга осонлик билан харидор топиладиган, доимий равишда кўзда тутилмаган (номақбул) йўқотишларсиз сотилувчи ва сотиб олинувчи активлар;

**асосий валюта** — банкнинг жами активларининг 5 фоизи ёки ундан ортиқ миқдорига тенг бўлган активлар ёки мажбуриятлар акс этган валюта;

**йирик ҳамкор** — банк жами активларининг 1 фоизидан ортиқ миқдорда молиялаштириш манбасини таъминлаб берадиган ҳамкор;



**йирик қарз** (депозит, кредит ва бошқа мажбуриятлар) — ҳажми банк I даражали капиталнинг 5 фоизидан юқори бўлган бир шахс ёки бир-бирига дахлдор шахслар гуруҳига тегишли қарз;

**таваккалчилик даражаси паст бўлган мамлакатлар** — «Standard & Poor`s», «Fitch Ratings» ва «Moody`s Investors Service» рейтинг компанияларининг инвестицион рейтинг баҳоларига ёки Марказий банк томонидан тан олинган бошқа рейтинг компанияларининг ушбу баҳоларга тенг бўлган рейтинг баҳоларига эга мамлакатлар.

**йирик маҳсулот ёки восита** — ҳажми жами активларнинг 1 фоизидан ортиқ бўлган банк маҳсулоти ёки воситаси.

**кредит ажратиш бўйича шартли мажбурият** — кредит шартномасида банкнинг кредит ажратиш бўйича мажбурияти кредитни молиялаштириш учун ресурс маблағлари банкка тушгандан сўнг юзага келиши шarti мавжуд бўлган, лекин ҳисобот санасига бу шарт бажарилмаган мажбурият.

Низомда ликвидли активларга қуйидагилар киритилган:

- нақд пуллар;
- соф қуйма олтин;
- банкнинг Марказий банкда очилган ҳисобварақларидаги маблағ;
- банкнинг бошқа банклардаги маблағлари;
- ҳукумат ва Марказий банк қим.қоғозлари;
- қисқа муддатли банклараро кредитлар ва депозитлар;
- таваккалчилик даражаси паст бўлган мамлакатлар ҳукуматлари ва Марказий банклари томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар, шунингдек бу мамлакатлар ҳукуматлари ва Марказий банкларига бошқа молиявий талаблар;

- «Standard & Poor`s», «Fitch Ratings» ва «Moody`s Investors Service» инвестицион рейтинг даражасидан кам бўлмаган ёки Марказий банк тан олган бошқа рейтинг компанияларнинг шундай рейтинг баҳоларига эга, ривожланган фонд биржалари рўйхатларига киритилган, паст рискли мамлакатлар етакчи компаниялари қимматли қоғозлари.

Юқори ликвидли активларга қуйидагилар киритилган:

- нақд пул;
- ҳукумат ва Марк. банкнинг қимматли қоғозлари;
- банкнинг Марказий банкда очилган ҳисобварақларидаги маблағлари, мажбурий захирадаги маблағлардан ташқари;

- паст рискли таваккалчилик даражаси паст бўлган мамлакатлар ҳукуматлари ва Марказий банклари томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар, шунингдек бу мамлакатлар ҳукуматлари ва Марказий банкларига бошқа молиявий талаблар;

- паст рискли мамлакатлардаги «Standard & Poor`s», «Fitch Ratings» ва «Moody`s Investors Service» инвестицион рейтинг даражасига тенг бўлган баҳоларига эга банкларда чет эл валютасида очилган вакиллик ҳисобварағидаги маблағлар ва овернайт (кунлик) банклараро депозитлар;

- «Standard & Poor`s», «Fitch Ratings» ва «Moody`s Investors Service» компанияларидан бирининг «B-»/«B3» ёки Марказий банк томонидан тан олинган бошқа рейтинг компанияларининг ушбу рейтинг даражасидан кам бўлмаган рейтинг



баҳоларига эга маҳаллий банкларда чет эл валютасида очилган вакиллик ҳисобварағидаги маблағлар;

- Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки гуруҳи ҳамда Осиё тараққиёт банки, Осиё инфраструктура инвестиция банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Европа инвестиция банки, Европа инвестиция жамғармаси, Ислон тараққиёт банки ва Европа Кенгашининг тараққиёт банкларининг қимматли қоғозлари;

- ипотекани қайта мол.-риш ташкилотлари қарз қимматли қоғозлари;

- ипотекани қайта мол.-риш ташкилотлари корпоратив облигацияларнинг саксон фоизи.

Ушбу ҳолатда шуни айтиш лозимки, ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари томонидан чиқарилган корпоратив облигациялар ва бошқа қарз қимматли қоғозларни банклар учун юқори ликвидли активлар сифатида тан олиниши ижобий ҳолат. Бироқ, тижорат банклари ушбу имкониятлардан фойдаланмаяптилар. Масалан, 01.01.2025 йил ғолатига “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ активларида ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотларининг қарз қимматли қоғозлари атиги 65,0 млрд. сўмни ташкил қилган [2]. Демак, “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ каби банкларнинг инвестиция сиёсатларини тубдан қайта кўриб чиқиш ҳамда банк активлари таркибида ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари томонидан чиқарилган таъминланган қарз муносабатларини тасдиқловчи қимматли қоғозлар ва корпоратив облигацияларга кенгроқ ўрин бериш мақсадга мувофиқ бўлиши мумкин.

Низомда банкларда ликвидлиликни бошқариш сиёсати алоҳида ҳужжат сифатида ишлаб чиқилиши ва банк Кенгаши томонидан тасдиқланиши, ва ликвидлиликни бошқариш кўмитаси тузилиши ҳамда унинг зиммасига ликвидлиликни самарали бошқаришни таъминлаш мақсадида банкнинг барча бўлинмалари фаолиятини мувофиқлаштириш мажбурияти юклатилиши лозимлиги белгиланган. Шунингдек, банклар ресурсларни ва молиялаш йўналишларини самарали диверсификация қилиш имконини берувчи молиялаш стратегиясини ишлаб чиқишлари белгиланган.

Низомга биноан Ликвидлиликни қоплаш меъёри коэффициенти (ЛҚМК) қуйидагича аниқланади:

**ЛҚМК = юқори ликв. активлар / кейинги 30 кундаги жами соф чиқим.**

ЛҚМК қиймати 100 фоиз ва ундан катта бўлиши керак.

СБММК кўрсаткичи эса қуйидагича топилади:

**СБММК = барқ. молиялаш. мавжуд сум. / барқ. молиялаш. зарур сум.**

СБММК ҳам 100 фоиз ва ундан катта бўлиши керак.

**Тижорат банки ликвидлигини баҳолашда** қуйидаги ҳолатлар инobatга олиниши лозим:

1. Барча тижорат банклари жорий ликвидлик меъёрларини бажаришлари лозим, улар жорий активларнинг талаб қилиб олингунча ва ижро этиш муддати 30 кунгача бўлган мажбуриятлар суммасига нисбати орқали аниқланади. Ушбу кўрсаткич 30% дан кам бўлмаслиги керак.

2. Банк ликвидлигини таҳлил қилувчи давр мобайнида ўзгаришлар тенденциясига аҳамият бериши ва ўзгаришлар аҳамиятини ҳамда характерини ўтган даврларга



нисбатан баҳолаши, ресурслар жалб қилишнинг ўтган ва жорий стратегияларини баҳолаши, шунингдек имкони бўлса, ўхшаш банклар билан таққосланиши лозим.

3. Ликвидлик коэффицентлари ўз-ўзидан ликвидликнинг етарлилиги бўйича аниқ маълумот бермайди, уларга умумий баҳонинг бир қисми сифатида қараш керак. Қуйида ликвидлик коэффицентлари бўйича мисоллар келтирилган:

- Ликвид активлар / жами активлар;
- Доимий бўлмаган мажбуриятлар / жами активлар;
- Ликвид активлар / Доимий бўлмаган мажбуриятлар.

Барча юқорида келтирилган кўрсаткичлар қуйидаги маълумотни акс эттиради - ушбу кўрсаткичларнинг пасайиши банкнинг ресурсларнинг барқарор бўлмаган манбаларга таянганлиги ёки банк портфелидаги юқори ликвидли активлар улушининг камайганлигини англатади.

**2.1.1-жадвал. Ўзбекистондаги тижорат банкларига ўрнатилган иқтисодий меъёрлар [3].**

<b>Иқтисодий кўрсаткич номланиши</b>	<b>Меъёрий қиймати</b>
Регулятив капиталнинг монандлик коэффицентлари	Мин 0,13
1-даражали капитал монандлик коэффицентлари	Мин 0,1
Лeverаж	Мин 0,06
Юқори ликвидли активларнинг жами активлардаги улуши	Мин 0,1
Бир қарздор ёки ўзаро боғланган бир гуруҳ қарздорлар рискининг максимал катталиги. Таъминланган ссудалар.	Макс 0,25
Бир қарздор ёки ўзаро боғланган бир гуруҳ қарздорлар рискининг максимал катталиги. Таъминланмаган ссудалар.	Макс 0,05
Барча йирик кредиторлар учун рискнинг максимал катталиги	Макс 5,0
Бир эмитент қимматли қоғозларига инвестицияларнинг максимал миқдори	Макс 0,15
Барча эмитентлар устав капитали ва бошқа қимматли қоғозларига қилинган инвестицияларнинг максимал умумий ҳажми	Макс 0,5
Банкка алоқадор битта шахсга тўғри келувчи таваккалчиликнинг энг кўп миқдори	Макс 0,25
Банкка алоқадор бўлган барча шахсларга тўғри келувчи таваккалчиликнинг энг кўп миқдори	Макс 0,5
Кўчмас мулк ва бошқа мол-мулкларнинг жами қиймати	Макс 1,00

4. Банк раҳбарияти жорий ликвидликдан ташқари ўзининг ликвидлик кўрсаткичлари тўпламини ишлаб чиқиши ва ундан фойдаланиши мумкин. Мазкур кўрсаткичлар мазмунли бўлиши ва ҳар доим банкнинг молиявий ҳолатини баҳоловчи бошқа маълумотлар билан биргаликда баҳоланиши лозим.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки республикадаги тижорат банклари устидан банк назоратини амалга ошираётган бўлиб, барча банклар



ўз фаолиятлари ва ҳолати, шу жумладан ликвидлик даражаси бўйича махсус йўриқнома [4] асосида ҳисобот топшироқдалар.

2023 йилда қабул қилинган Банклар ва банклар гуруҳларининг таваккалчиликларни бошқариш тизимига доир талаблар тўғрисидаги Низомга [5] биноан қуйидаги рисклар банк фаолиятида муҳим ўрин тутади:

**кредит таваккалчилиги** — қарздорнинг банк олдидаги мажбуриятлари шартнома ёки қонунчилик ҳужжатларида кўрсатилган муддат ва (ёки) шартларда бажарилмаслиги (лозим даражада бажарилмаслиги) оқибатида юзага келиши мумкин бўлган зарар (йўқотиш) кўриш ва (ёки) режалаштирилган даромадни олмаслик эҳтимоллиги;

**ликвидлилик таваккалчилиги** — банк ўз мажбуриятларини белгиланган вақтда бажара олмаслиги оқибатида юзага келиши мумкин бўлган зарар (йўқотиш) кўриш ва (ёки) режалаштирилган даромадни олмаслик эҳтимоллиги;

**бозор таваккалчилиги** — валюта курслари, фоиз ставкалари ва молиявий инструментлар нархларининг ўзгариши натижасида зарар (йўқотиш) кўриш ва (ёки) режалаштирилган даромадни олмаслик эҳтимоллиги;

**комплаенс таваккалчилиги** — Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатлари, банкнинг ички ҳужжатлари, шунингдек банк фаолиятига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган хорижий мамлакатларнинг ҳужжатларига риоя этилмаслиги натижасида юзага келиши мумкин бўлган зарар (йўқотиш) кўриш ва (ёки) режалаштирилган даромадни олмаслик эҳтимоллиги;

**операцион таваккалчилик** — банк ички жараёнларининг лозим даражада эмаслиги, ходимлар ёки бошқа шахсларнинг қасддан ёки эҳтиётсиз ҳаракатлари, банкнинг ички тизимларидаги хатоликлар ёки ташқи ҳодисалар таъсири натижасида зарар (йўқотиш) кўриш ва (ёки) режалаштирилган даромадни олмаслик эҳтимоллиги;

**банк портфелида юзага келувчи фоиз таваккалчилиги** — бозордаги фоиз ставкалари ўзгаришининг банк портфелидаги активлар ва мажбуриятларга таъсир қилиши натижасида зарар (йўқотиш) кўриш ва (ёки) режалаштирилган даромадни олмаслик эҳтимоллиги;

**мамлакат таваккалчилиги** — хорижий мамлакатдаги сиёсий, иқтисодий, ижтимоий вазият ёки мазкур мамлакатдаги бошқа ўзгаришлар оқибатида юзага келиши мумкин бўлган зарар (йўқотиш) кўриш ва (ёки) режалаштирилган даромадни олмаслик эҳтимоллиги.

Низомга биноан, таваккалчиликларни бошқариш тизими — банк фаолиятига оид бўлган барча таваккалчиликларни тизимли аниқлаш, ўлчаш, мониторинг ва назорат қилиш, ҳисоботини юритиш ҳамда камайтиришга қаратилган, шунингдек банкнинг бошқарув органлари ва таваккалчиликларни бошқаришга масъул бўлинмаларнинг ўзаро муносабатлари тизимини ташкил қилиб, қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

- таваккалчиликларни бошқаришнинг ташкилий тузилмасини;
- таваккалчиликларни бошқариш маданиятини;
- таваккалчиликларни бошқариш бўйича банкнинг ички жараёнлари, ҳужжатлари ҳамда воситаларини;



- таваккалчиликларни бошқаришга ва ҳисоботларни тайёрлашга мўлжалланган ахборот тизимини.

Банк таваккалчиликни бошқариш тизими қуйидагиларни таъмирлаши лозим:

- манфаатлар тўқнашувини инобатга олган ҳолда банкнинг барча таркибий бўлинмалари ва ходимлари ўртасида таваккалчиликларни бошқариш бўйича вазифалар, мажбуриятлар ва ваколатларнинг аниқ тақсимланишини;

- мазкур Низомнинг 4-бандига мувофиқ ҳимоянинг уч чизиғи тизими шакллантирилиши орқали таваккалчиликларни бошқаришга масъул таркибий бўлинмалар ва ички назоратга масъул таркибий бўлинманинг банк операцияларидан ажратилишини;

- банк фаолиятининг барча йўналишлари ва ташкилий тузилмасида камида сезиларли таваккалчиликларни бошқаришнинг қамраб олинишини;

- сезиларли таваккалчиликлар ҳолисона ва ўз вақтида аниқланиши, баҳоланиши ҳамда мониторинг қилинишини, улар бўйича ҳисобот тайёрланишини, уларнинг назорат қилиниши ва камайтирилишини;

- банк хизматлари учун ўрнатилган нарх мазкур хизматлар билан боғлиқ таваккалчиликлар ва харажатларни инобатга олган ҳолда шакллантирилишини;

- таваккалчиликларни бошқариш жараёнларининг тўлиқлигини ва ҳужжатлаштирилишини таъминлаши лозим.

Низомга биноан Таваккалчиликларни бошқариш тизими ҳимоянинг уч чизиғи методига асосланиши ҳамда ушбу методга асосан таваккалчиликларни бошқариш бўйича мажбуриятлар банкнинг қуйидаги таркибий бўлинмалари ўртасида тақсимланиши лозим:

ҳимоянинг биринчи чизиғи — бевосита банк хизматларини кўрсатишга масъул бўлган таркибий бўлинмалар. Мазкур таркибий бўлинмалар таваккалчиликларни қабул қилиб олади, шунингдек таваккалчиликларнинг жорий бошқарилиши юзасидан ҳисоботлар бериб боради;

ҳимоянинг иккинчи чизиғи — таваккалчиликларни бошқаришга масъул таркибий бўлинмалар ҳамда назорат функциялари мавжуд бўлган бошқа таркибий бўлинмалар. Мазкур таркибий бўлинмалар таваккалчиликларни аниқлайди ва бошқариб боради;

ҳимоянинг учинчи чизиғи — ички аудит хизмати. Мазкур таркибий бўлинма таваккалчиликларни бошқариш тизимини текширади ва баҳолайди.

Банк амалий актив операциялари фаолияти фақат кредит фаолиятидан иборат бўлмай, балки инвестицион фаолият рискларини ҳам инобатга олиш керак. Шунинг учун, рискларни бошқариш тизимидаги ҳимоянинг уч чизиғи инвестицион фаолият хусусиятларини ҳам инобатга олиши керак.

Юқоридагилардан келиб чиқиб қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлиши мумкин:

1. Банк инвестиция активлари ликвидлигини аниқлаш ва у билан боғлиқ рискларни баҳолаш корпоратив методологиясини ишлаб чиқиш.

2. “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ каби банкларнинг инвестиция сиёсатларини тубдан қайта кўриб чиқиш ҳамда банк активлари таркибида ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари томонидан чиқарилган таъминланган қарз



муносабатларини тасдиқловчи қимматли қоғозлар ва корпоратив облигацияларга кенгроқ ўрин бериш.

3. Тижорат банки рискларини бошқариш тизимидаги ҳимоянинг уч чизиғи инвестицион фаолият хусусиятларини ҳам инобатга олиши керак.

### References:

1. Тижорат банкларининг ликвидлилигини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги Низом. Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки Бошқарувининг 22.07.2015 йилдаги 19/14-сонли қарори билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 13.08.2015 йилда 2709-сон билан рўйхатга олинган.
2. «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ молиявий ҳисоботлари.
3. Марказий банка тақдим этиладиган ҳисобот шакллари.
4. Тижорат банкларининг банк назорати бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкига тақдим этиладиган ҳисоботларни тўлдириш бўйича йўриқнома. ЎзР МБ №8 08.02.2001 й.
5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг “Банклар ва банклар гуруҳларининг таваккалчиликларни бошқариш тизимида доир талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2023 йил 7 мартдаги 4/11-сон қарорига\_1-ИЛОВА билан тасдиқланган “Банклар ва банклар гуруҳларининг таваккалчиликларни бошқариш тизимида доир талаблар тўғрисидаги” Низом [Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 18 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3427].